

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«НЕФТ ВА ГАЗ» ФАКУЛЬТЕТИ
«ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ
ВА БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

Хасанова Севара Абдиқодир қизининг
«Динамик объектларни бошқариш системаларида ростлагичларни
параметрик синтезлаш алгоритмлари» мавзули
5311000 –Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни
автоматлаштириш ва бошқариш (ишлаб чиқариш) йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Кафедра мудири

Хусанов С.Н.

Раҳбар

т.ф.н., доц. Севинов Ж.У.

Тошкент – 2016 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БОБ. ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИНГ СИНТЕЗЛАШ МАСАЛАСИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ	
1.1. Бошқариш системаларини қуришнинг асосий ёндошувлари ва усуллари	
1.2. Бошқариш системаларида идентификациялаш ва бошқариш усуллари ва алгоритмлари	
1.4. Масаланинг қўйилиши ва ишнинг мақсади	
II БОБ ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИДА РОСТЛАГИЧЛАРНИ ПАРАМЕТРИК СИНТЕЗЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ	
2.1. Динамик объектларнинг структуралари ва моделлар тўпламларини тавсифлаш	
2.2. Бошқариш системаларини синтезлашнинг типик алгоритмлари	
2.2.1. Ростлагич синтези	
2.2.2. Параметрларни созлаш алгоритмларини синтез қилиш	
2.3. Тўлиқ тартибли кузатиш асосида ростлагич қуриш	
2.4. Ҳолат филтрини қўллаган ҳолда ростлагич қуриш	
2.5. Ростлагичнинг созлаш параметрларини баҳолаш алгоритмлари..	
2.7. Дискрет ростлагични параметрик синтезлаш	
III БОБ. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
IV БОБ. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ҲИСОБ	
ХУЛОСА	
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	

К И Р И Ш

“Техник объект” термини кўпгина техникага оид қурилмаларга нисбатан қўлланилади: саноат ишлаб чиқариши, кемалар, самолётлар, автомобиллар, электрогенераторлар, реакторлар, кундалик турмуш техникаси ва ҳоказо. Бошқариладиган техник объектлар бошқариш назариясида – бошқариш объектлари (БО) деган ном олишади.

Ҳар бир БО турли ўзига ҳос хусусиятларга эга ва уларнинг ҳаммаси бошқариш мақсади (меъзони), кўрсаткичлар ҳолати оралиғи тушунчаси, бошқариш, кузатиш, идентификацияланиш ва мослашиш хусусиятлари билан жамланади.

БОнинг тўлиқ функция бажариши зарурий ҳолатини таъминлаш учун автоматик тизим ёки автоматлаштирилган бошқариш (АБС) қўлланилади. АБС ни синтез қилиш автоматик бошқариш назарияси (АБН) усуллари қўлланилиши билан амалга оширилади. Техник БО учун АБСни тузишда бошқариш мақсади функцияси, БО моделлари кўрсаткичлари ва четга оғишлар ҳақидаги априор ахборотлар керак бўлади ва бу ахборотнинг ишончлилиги бевосита синтез қилинадиган ростлагични танлаш усулини ва сифатини белгилаб беради. Техник БОлар учун ростлагичлар синтезида замонавий АБН усуллари қўлланилиши БОни бошланғич ишончли математик моделини таҳлил қилмасдан амалга ошириш кўпгина қийинчиликлар туғдиради.

Ҳозирги вақтда сушт шаклланган объектларни (априор ноаниқлик) бошқариш учун ростлагичларни параметрик синтез қилишнинг алтернатив ёндашув усуллари ишлаб чиқилган: мослашувчан, дағал, ноаниқ ва нейронли усуллар. Ҳар бир ёндашув ўзининг хусусиятларига, афзалликлари ва камчиликларига эга ҳамда маълум бир ноаниқлик даражасида қўлланилиши мумкин. Аммо улар ростлагичлар параметрини синтезидаги бошланғич маълумотлар етишмаслигидаги вазифаларни ечишда ёрдам беради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда динамик объектларни бошқариш системаларида ростлагичларни параметрик синтезлаш алгоритмлари ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

I БОБ. ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИНГ СИНТЕЗЛАШ МАСАЛАСИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

1.1. Бошқариш системаларини куришнинг асосий ёшдошувлари ва усуллари

Бошқариш назарияси ва техникаси ривожининг замонавий босқичи бошқариш системаларига талабни ортиши ва бошқарилаётган объектларни мураккаблашуви, юқори савияда лойиҳалаштириш ва системани ҳаракатга келтириш билан тавсифланади. Бу вазиятлар, одатда, юқори сифат кўрсаткичли системаларни куришда бошланғич маълумот етарли эмаслигидан келтириб чиқаради ва системани ишлаш жараёнида маълумотлар билан тўлдиришга тўғри келади. Ишлашини яхшилайдиган маълумотларни иш жараёни вақтида йиғиладиган ва шу заҳоти таҳлил қилиниб бошқаришда ишлатиладиган бундай системалар адаптив деб аталади [1-9].

Адаптив системалар назариясида динамик объектларни хусусиятини аниқлаштирувчи бир қанча муҳим параметрлари ва омиллари номаълум бўлган шароитда бошқариш усулларини ўрганиб чиқади. Керакли бошқариш қонуниятлари, ишлаш жараёнида бошқарув таъсири берилганда объектнинг реакциясидан адаптив ростлагич орқали топилади. Демак бундай ростлагичлар системада бор экан, бутун системада мослашиш, кўникиш хусусияти пайдо бўлади: агар топилган бошқариш қонуниятлари ташқи шартларни ўзгариши туфайли қониқарсиз бўлиб қолса, адаптив ростлагич система ҳолатини яна қониқтирадиган янги бошқариш қонуниятини топади.

Адаптив системалар назарияси ривожланиши замонавий техникани эҳтиёжларидан келиб чиқади. Амалиёт нотаниш бўлган турли хил ва ҳар хил даражадаги бошқариш объектларни, уларнинг ишлатиш шартларини,

ғалаёнланиш таъсири масалаларини келтириб чиқаради. Адаптив бошқарув усуллари технологик жараёнларни бошқаришда, турли йўналишдаги автоматик бошқариш системаларида кенг қўлланилмоқда. Адаптив усулларни амалиётга кенг-қўламда сингдираётган бу, адаптация алгоритмларини амалиётда қўллашга катта имкониятлар яратувчи – турли жойларда ишлатилувчи ҳисоблаш техникаси воситаларидир.

Адаптив системаларни ишлатишда, фақат ростлаш масаласи қўйилмаган. Системани бутунлигича оптимал ишлаш шароитини топиш, тез ўзгарувчан шароитдаги бошқариш объектлари, ғалаён таъсиридаги бошқариш каби катта доирадаги масалаларни ҳисоблаш мумкин [1,3,8,9]. Одатда адаптив системалар созланувчи модели адаптив системалар (СМАС)га ва эталон модели адаптив системалар (ЭМАС)га бўлинади [1,2,4,5]. СМАС да объект идентификацияланади, ЭМАС да эса асосий бошқариш системасини эталон моделга тўғриланади. Адаптив системалар назарияси ҳозирда ўзининг ривожланиш босқичидадир. Унда турли қарашлар, йўналишлар ва усуллар кўп.

Асосий назарий натижаларни содда қилиб кўрсатиш учун олдинги йиллардаги ишларга мурожат қиламиз, уларда аввалроқ олинган умумлашган, ривожланган ва замонавий тушунтириб бериш орқали асосий натижалар олинган.

Умумий ҳолда [6] кечикувчи объектларни бошқарувчи адаптив системалар қуришнинг асосий усуллари ва адаптив, турғун системаларни чиқиш сигналларини ҳосиласи, ҳисоблаб бўлмайдиган турли типдаги объектларни чиқишига қараб қуришда янги усуллари ишлаб чиқилган. Турли типдаги кечикувчи объектларга кенг хатолик ва юқори даражадаги алгоритмлар ишлатилиш усуллари натижалари келтирилади. Юқори даражадаги адаптациянинг янги алгоритминини қуриш принципи таклиф қилинган ва асосланган. Адаптив башоратловчи ва башоратловчисиз

қўлланиладиган кечикувчи объектларни бошқаришнинг адаптив система бошқаруви синтезланган. Турли типдаги динамик объектлар учун изчил компенсатор қўлланиладиган адаптив ва турғун система бошқарувининг янги принципларини қуриш ўрганилмоқда: кечикувчи ва кечикишсиз, чизиқли ва нозизиқли объектлар учун.

[7, 8] да нотўлиқ ва ноаниқ шароитда керакли бошқаришни топишга имкон берувчи усуллар, бошқариш объекти тавсифи ва объект жойлашган атроф-муҳит тавсифи ҳақидаги билимлар келтирилган. Турғун бошқаришнинг асосий тушунчаларидан бири ноаниқлик тушунчасидир. Ноаниқлик объект моделини параметрик ва структур ноаниқлигини кўрсатиб беради. Ноаниқлик шароитида ҳаракатни яхши вариантини танлаш, ечим қабул қилишнинг назария ва усулларини ривожланишига олиб келди.

[9] да ташқи ғалаёнлар билан ишлайдиган ноаниқ математик модели динамик системаларни адаптив ва турғун бошқариш усуллари ривожланишига бағишланган. Оригинал ёндашув тасвирланган ташқи ғалаён ноаниқлигини чизиқли регрессион моделнинг параметрик ноаниқлиги билан боғловчи махсус синфдаги кузатувчилар ишлатилишига асосланган. Моделнинг базис функцияси (регрессор) системанинг иш ҳолатидаги функциялаштиришда шаклланади.

[10] да катта ҳажмли ва нозизиқли модели, кўп миқдордаги кириш ва чиқиш ўзгарувчилари, параметрик ва структур ноаниқликлари билан тавсифланадиган мураккаб динамик системаларни назарий асослари ва усуллари келтирилган. Ўрта қийматга келтирилган ва сингуляр ғалаён усули билан моделини қисман чизиқли аппроксимациялаш орқали яқинлашув декомпозиция усубияти келтирилган. Авторлар томонидан бир қанча оригинал меъзон ва усуллар келтирилган, булар олдиндан ўрганилган фазодаги ҳаракат ва келишилган бошқарув, тезлик градиенти, пассификация ва ноаниқ эталон моделлар базаси усулида бошқариш ва адаптация, юқори

тартибли адаптив алгоритмларнинг соддалашган турғун ҳолати ва бошқалар. Механик системаларни ночизиқли бошқариш масалаларини таърифланган усуллар татбиқи кўрсатиб ўтилган.

[11] да чизиқли стационар объектни эталон модел билан адаптив бошқариш системаси синтези масаласи кўрсатиб ўтилган. Бу ерда дискрет адаптив алгоритмининг оптимал фильтрация усулига асосан асимптотик ўхшашлиги шароитини текшириш таклиф этилган.

[12] да ноаниқлик шароитида созланувчи модели адаптив бошқаришнинг синтези усуллари баён этилган. Параметрик идентификация масалаларидан олинадиган ечимлар орқали кафолатланган баҳолаш ишлатилиши асосида адаптив бошқариш системасидан турғун бошқарув системасига мақсадга кўра ўтувчи чегарани аниқлайдиган мезон таклиф этилган.

[13] да номаълум амплитуда ва частота билан чексиз гармоник сонли чегараланган ярим гармоник ғалаёндаги номаълум доимий коэффициентли кўп ўлчамли объектларни адаптив бошқариш усули таклиф этилган.

[14] да адаптив чизиқли дискрет бошқариш системаларида идентификациялашнинг асимптотик оптимал алгоритмлари кўриб чиқилган. Таъкидланганки, ушбу идентификациялаш алгоритмлардан фойдаланиш, адаптив бошқариш алгоритмларини тезлик силжиши бўйича яхшиланмаслигини келтириб чиқаради.

[15] да адаптив субоптимал интегратор типдаги функционали минимакс мазмунидаги бошқариш масаласи кўриб чиқилган. Кўрсатилганки, параметрик ноаниқлик шароитида ҳам бошқариш объектининг параметрлари маълум ҳолатда бўлса, функционал сифатини кафолатланган баҳолаш қийматини таъминлаш мумкин. Халақит бўйича бир хил функционалларда халақит номаълумлик даражасини адаптацияланувчи алгоритмлар кўриб чиқилган.

[16] да объект параметрлари номаълум бўлган шароитда дискрет стохастик чизиқли динамик объектни бошқариш масаласи кўриб чиқилган. Кенг синфдаги стратегик бошқаришга кичик квадратларнинг замонавий усули ҳисобланган бир параметрли оилага мансуб адаптив алгоритмлари таклиф этилган. Системанинг чиқишида ва бошқаришда кучли адаптивлик исботланган, унда объект параметрлари маълум бўлганда объект чиқиш ўзгарувчиси y_t ва бошқарув u_t идеал жараёнлар y_t^* ва u_t^* га вақт бўйича асимптотик интилади. Кучли адаптивлик шарти етарлича оддий структурага эга ва аниқ татбиқларда осон текширилади.

[17] да объектнинг кириш ва чиқишида қўлланиладиган бошқариш учун, киришдаги кечикувчи объектлар учун эталон модели янги адаптив бошқариш схемаси таклиф қилинган. Синтезлаш муолажаларида кенгайган хатоликларни қўллаш билан эталон модели оғохлантириш концепсида асосланади. Бунга кўра ростлагичлар структурасида минимал мураккабликдаги филтрлар ва фақатгина маълум конфигурациядаги тарқалган кечикиш ўрнига жамланган кечикиш блоки ишлатилади.

Кўриб ўтилган адабиётлар тахлили асосида шунини хулоса қилиш мумкинки, динамик объектларни адаптив бошқариш назарияси ва амалиётида ҳар бири аниқ динамик объектни бошқаришда қўллаб бўладиган қўллаб бошқариш стратегияси вариантлари бор. Стратегия вариантини танлаш бошқариш объекти хусусияти ва эришиладиган асосий бошқариш мақсадларига боқлиқ.

Шундай қилиб, адаптив бошқариш системаларининг хусусиятлари келтирилади ва созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини куришнинг асосий усуллари шакллантирилади.

1.2. Бошқариш системаларида идентификациялаш ва бошқариш усуллари ва алгоритмлари

Адаптив системаларда модел ўзида бошқариш объекти билан бир хил структурага эга бўлган, коэффициентлари ўзгаришга мойил динамик звенони акс эттиради. Созлаш алгоритми объектнинг кириш ва чиқиш сигналлари маълумотлари асосида модельни ҳолатини объект ҳолатига яқинлаштириши керак. Олинадиган модел коэффициентларини объект баҳоланиш коэффициенти деб қараш мумкин. Ростлагични қуришда объект параметрини аниқ билаш керак бўладиган бошқариш назариясининг классик усулларини ҳам ишлатилади. Номалум параметрлар ўрнига ростланиш қонуниятига модел ёрдамида олинадиган, уларни ўрнини босувчи баҳолари олинади. Созланувчи модель эталон модель каби системада аниқ қўлланилиши ёки унда созланувчи тенглама коэффициентлари кўринишида қатнашиши мумкин.

Созлувчи моделлар асосида адаптив бошқариш системаларининг синтезлаш принциплари анчадан бери тадқиқотчиларнинг назарини ўзига тортган [1,4,18-21]. Яққоллик ва универсаллик созланадиган объект усулининг муҳим фазилати ҳисобланади. Бошқа бир фазилати турли хил моделларнинг созлаш алгоритмлари билан ростланиш алгоритмларини комбинатция қилиш ва тузилишига кўра системада мукамалроқ алгоритмларни ишлатишдир.

Адаптив системаларни қуришда адаптация жараёнининг бир қисми бўлган идентификациялашда – идентификациянинг математик усули танлаш муҳим саволлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда объектларни идентификация қилишнинг турли хил ёндошувлари, усуллари, алгоритмлари ва ҳисоблаш схемалари ишлатилган [1,22-24] кўп ҳажмдаги ишлар чоп этилган. Бу усулларни қўллаш учун фақат параметрлари номалум бўлиши

мумкин бўлганда объектнинг модел тенгламаси априор маълумотларига эга бўлиши керак. Идентификация меъзонига ёки қўлланиладиган ҳисоблаш алгоритмига боғлиқ равишда, бу усуллар турли хил ном олган. Бу кичик квадратлар усули (ККУ), максимал тўғрилиқ усули (МТУ), баесовик баҳолаш (ББ), инструментал ўзгарувчи усули (ИЎУ), Калман фильтри (КФ) ёрдамида параметрларни баҳолаш ва бошқалар [1,22-26].

Ноаниқлик шароитида мураккаб динамик объектларни бошқариш масалаларини илова қилишда замонавий ахборот технологияларини хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилиш учун ушбу соҳада олинган муҳим натижаларга эътиборимизни қаратамиз.

[19] да адаптив бошқариш системаларининг кўп тарқалган схемаларидан бири (созланувчи моделлари билан) тадқиқ қилинади. Идентификациялаш алгоритми сифатида кенгайтирилган ККУ ишлатилади, у объектнинг келишилган моделини ишлатилишига тўғри келади. Оптимал ростлагичларнинг кейгайтирилган синфи учун баҳоларининг яқинлашиш таҳлили ва берк системанинг ишлаши таҳлили олиб борилади.

[27,28] да чизикли ва ночизикли минимакс масалалар қаторида уларга бириктирилган ғалаёнларнинг тажрибаларга асосланиб баҳоланиши ва дискрет динамик системаларнинг бошланғич ҳолатини тикланиниши ҳақидаги саволлар кўриб чиқилади. Назария ва унга асосланган кўпгина техник, физик, иқтисодий ва экологик дастурлар кафолатланган баҳолашнинг умумий схемасида олиб борилади.

[26,28] да идентификациялаш муаммосига кафолатли ёндошув доирасида системанинг «объект+муҳит» хусусиятларини ахборот синтези асосида параметрик баҳолашнинг адаптив системаларини қуриш саволлари кўриб чиқилган. Системадаги жараёни ифодаловчи янги динамик структура киритилган – кузатилаётган ахборот тасвир бўлиб, у системанинг ахборот кўплиги ҳолида фазали тасвир тушунчасини кенгайтириб беради.

Кўрилатган ахборот тасвир ва кесишувчилар усули асосида «объект+муҳит» системасининг структур хусусиятларини баҳоловчи алгоритмлар таклиф қилинган. Ноаниқликлар шароитида параметрик чегаралашларни берувчи муолажалар ишлаб чиқилган. Адаптив ϕ -алгоритмлар усули келтирилган бўлиб, системанинг реал шароитларга адекват функционаллигини таъминловчи «объект+муҳит» системасининг идентификациялаш алгоритмини синтез қилишга кўмаклашади. Адаптив системанинг параметрларини танлашга таъсир қилувчи «шартли оралиқ бузилмаслиги» нинг таъсири ўрганилган. Узлуксиз ва дискрет объектларнинг идентификациялаш алгоритмини синтезлаш усуллари келтирилган.

[29] да нозичли стохастик системаларнинг шаклланган моделлаштириш усуллари, функционал ўзгартиришлар усуллари, системаларни идентификациялашнинг ахборот ва бошқа турлари кўриб чиқилган. Системаларнинг ҳар хил эҳтимолий мезонлар асосида идентификацияланиши, маълум синфдаги мезонлар асосида оптимал бўлган моделларнинг мавжуд бўлиши муаммолари, робаст моделлар ва бошқариш системаларини ташкил этиш каби саволлар кўриб чиқилиган. Билимлар асосида бошқариш системаси ва моделлаштиришни ифодалаш, ечим қабул қилиш системалари, нейрон тармоқлар, ноаниқ мантиққа эга бўлган системалар, адаптив системалар ҳамда моделлаштиришнинг эволюцион моделлари кўриб чиқилиган.

[30] да адаптив ва координатли-параметрик бошқариш принципларини пайдо бўлиш илдизлари кўриб чиқилиган. Бу принципларнинг маъноси тўлиқ ёритилган. Адаптив ва координатли-параметрик бошқаришнинг ечиш муаммоларини назарий усуллари таҳлил қилиб чиқилган. Шу турдаги замонавий бошқариш системаларини кўриб чиқишда пайдо бўладиган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари айтиб берилган ва уларни бартараф қилиш учун айрим мисоллар келтирилган.

[31] да инновацион жараён тақсимои ноаниқ бўлган шароитда, фазовий (1,1) тартибли авторегрессия учун локал, нисбатан қуввати юқори бўлган белгили мезонлар тузилиб, улар авторегрессион тенгламаларнинг коэффицентлари тўғрисидаги гипотезаларни текшириш кўриб чиқилган. Мезонларнинг статистикалари тақсимотдан холи бўлиб, уларнинг асимптотик нормаллиги исботланган. Белгили мезонларнинг статистикалари асосида авторегрессия тенгламалари коэффицентларини нуқтали баҳолаш алгоритмлари келтирилган. Авторегрессиянинг инновацион кетма-кетлиги тўғрисидаги тахминлар жуда заиф бўлиб, улар дисперсиянинг тугалланиши ва зичликнинг жуфтчилигини талаб қилмайди. Кузатишларда ҳамма усуллар «таъсир» га бардош беради.

[32] да сезгирлик алгоритмини ишлатишда содир бўладиган суст боғланган чизиқли алгебраик тенгламаларнинг мунтазамлаш усуллари кўриб чиқилган. Бу усул итерациядан итерациягача ўзгарувчи ростлаш параметрига асосланган бўлиб, у функциянинг аниқ ечимлари ва апроксимациялаш дифференциал тенгламалари орасидаги хатоликка пропорционал. Усулни амалга ошириш учун аниқ қийматлар тўғрисидаги априор ахборот талаб этилмайди. Сезгирлик алгоритмларининг кесишиш тезлиги ва оралиғи юқорида айtilган усули А.Н.Тихоновнинг мунтазамлаш усулидан қолишмасилиги кўрсатилган.

[33] ишда эталон модель ва кичик квадратлар усуллари асосида динамик объект ва системаларни параметрик идентификациялаш, адаптив бошқариш ва диагностика қилиш масасаларига ягона ёндошув келтирилган. Ҳар хил ахборотдан фойдаланувчи, кўрсатилган учта масалани ҳисобловчи ўзига хос бўлган алгоритмлар келтирилган.

[34] да параметрлар тўғрисидаги априор ахборотни ўз ичига олувчи идентификациялаш алгоритми келтирилган. Таклиф қилинаётган муолажаларнинг самарадолигини кўрсатувчи мисол келтирилган.

[35] да параметрик идентификациялашнинг ёмон шартли масалаларни ечишнинг декомпозицион усули ишлаб чиқилган бўлиб, у иккита параллел алгоритмлар асосида кичик квадратлар усулини мунтазам баҳолаш шароитини яратиб беради. Бунда уларнинг ўлчамлари бошқа баҳолашни куришнинг классик муолажасига нисбатан кичик.

[36] ишларда дискрет вақтли кўпўлчамли системаларнинг идентификациялаш масаласи кўриб чиқилган бўлиб, улар параметрлар матрицаси билан ифодаланади. Бу кузатишлар векторининг компонентлари ноаниқ ковариацияларга эга шарт бўлгандагина амалга оширилади. Берилган базис бўйича ноаниқ ковариацион матрицада коэффицентларнинг бўлиниши – дисперсион компонентларни оптимал баҳолаш учун тенгламалар олинган. Рекуррент формулалар келтирилиб, улар матрица параметрларининг баҳоларини қайта ҳисоблаш билан бирга кузатишларни кетма-кет келишидаги дисперсион компонентларни ҳисоблаш имкониятини беради.

[37] да чизикли дискрет динамик бошқариш системалари учун идентификациялаш алгоритмини куриш масаласи кўриб чиқилган. Бу масаланинг ечилиши квадратик функционалларнинг матрица ўзгарувчилари бўйича олинган дифференциаллаш формулаларига асосланган.

[38] да динамик системаларнинг параметрик идентификациялаш алгоритми таклиф қилинган бўлиб, унинг асосида ҳаққонийликнинг максимуми бўйича баҳолаш усули ётади. Бу усул вақт соҳасида тузилган. Частоталар соҳасида функционалнинг минимал қийматларини ҳосил қилиниши алгоритм учун янги афзалликларни келтиради. Авваламбор, ишчи частоталарнинг диапазонини танлаш имконияти ёрдамида ғаллаён таъсирларини йўқ қилишга эришилади. Ундан ташқари, таклиф этилган алгоритмнинг тошқа тури кўриб чиқиляпти. У эса қайд қилинган сигналнинг вақт бўйича силжиши каби ғалаёнларни бартараф этишга мўлжалланган.

[39] да марковский параметрли ностационар технологик жараёнларни идентификациялашнинг адаптив ёндошуви кўриб чиқилган. Ташқи контурда бир гуруҳ экспертлар (ечим қабул қилувчи шахслар) билан биргаликда адаптив бошқаришнинг икки контурли системаси кўриб чиқилиб, у изланишларнинг амалий соҳасининг таснифини ёритиб беради.

[40] да умумлаштирилган иш функционалини баҳолаш мезони сифатида ишлатилишига асосланган динамик системаларни идентификациялаш ёндошуви кўриб чиқилган. Динамик системаларнинг параметрларини баҳолашнинг рекуррент алгоритми ишлаб чиқилиб, у идентификациялашни оний вақтда амалга ошириш имкониятини беради. Ҳосил бўлган алгоритм турғунлик ва ҳисоблашлар ҳажми бўйича олинган баҳолаш жараёнларидан афзаллиги жиҳатидан ажралиб туради. Бу эса олиб борилган сонли моделлаштириш натижалари билан исботланади.

[41] да ноаниқлик шароитида ахборот кузатилаётган тасвирлар тахлили асосида динамик системаларни структуравий идентификациялаш саволлари кўриб чиқилган. Динамик системани мувозанат ҳолатини баҳолаш усуллари кўрсатиб ўтилган. Ляпуновнинг характеристик кўрсаткичлар анализи асосида динамик системанинг қийматларини топиш муолажалари ифодаланган. Ахборот синтези асосида параметрик баҳолаш усуллари ишлатмаган ҳолда динамик системанинг ночизиқли структурасини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган. Статик объектларнинг структур идентификациялаш усуллари ишлаб чиқилган. Априор ноаниқлик шароитида параметрик чегаралаш соҳаларининг баҳолаш муолажалари келтирилган.

[42] да сув ресурсларини бошқаришда компьютерли моделлаштириш принциплари ва усуллари келтирилган. Мажмуада моделларни қуриш услублари, уларни декомпозиция қилиш, ахборот таъминоти саволлари кўриб чиқилган. Бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳуқуқий ва иқтисодий муҳит аҳамияти баҳоланган. Сувдан фойдаланишнинг рационал

соҳасида қарор қабул қилишнинг тизимли қўллаб-қувватлашини қуриш билан боғлиқ бўлган натижалар муҳимлиги билан ажралиб туради.

[43] да ноаниқ чегараланган ғалаёнлар таъсиридаги бир ўзгарувчили чизикли турғун объектлар кўриб чиқилади. Бундай объектларни актив идентификацияни ҳосил қиладиган иккита усуlining имкониятлари таққосланади: инструментал ўзгарувчилар усули ва охири-частотавий идентификациялаш усули. Тажрибавий маълумотларнинг хатоликлари ҳамда ўлчанаётган киришдаги ва ғалаён хатоликларига мўлжалланган объект коэффициентларини баҳолаш сезгирлигини пасайтириш учун охири-частотали усулнинг имкониятлари кўрсатилган. Бу имкониятлар текширилаётган сигнал частоталаринининг ўз-ўзини ростлашни таъминлайди.

Келтирилган илмий ишлар, созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини синтезининг умумий назарияси тўғрисидаги мавжуд бўлган барча ишлар номига даъво қилмайди. Шу билан бирга, таҳлил қилинган ишлар бу мавзунинг ҳозирги кундаги ҳолати, асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденциясини аниқлайди ва келажакдаги ривожланиш йўналишларини кўрсатиб беради.

Юқорида келтирилган, ноаниқ ғалаёнлар шароитидаги динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг усул ва алгоритмларини таҳлил қилганда шуни қайд этиш осонки, улар бир-бирига тесқари бўлган масалалардан иборат бўлиб, улар системанинг ёки жараённинг ҳолатини ўлчаш бўйича бир нечта сабаблар бўлганлиги учун характеристикаларини аниқлаш етарли. Табиий «сабаб-тергов» боғланишларнинг бундай бузилиши, тесқари масаланинг математик ифодасидаги хатоликларга олиб келади. Тесқари масалаларга идентификациялаш, баҳолаш ва бошқариш масалалари мисол бўла олади. Текширилаётган жараённинг керакли характеристикалари тўғридан-тўғри кузатилишга йўл қўйилмаганда ҳам уларни ишлатишга мажбур бўлади.

Тескари масалаларни ечишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиши олинадиган натижаларни аниқлиги ва ишончлилигини яхшилашга олиб келди. Бу эса, тажрибавий маълумотларни қайта ишлаш алгоритмини мураккаблаштиришга олиб келди. Шу билан бирга, ҳисоблашларнинг кўп қисми ЭҲМ томонидан бажарилиб, тажрибавий изланишларни олиб боришни тезлаштириш ва арзонлаштириш, уларни автоматлаштиришга катта имкониятлар яратиб берди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда нокоррект масалаларни ечишнинг самарали усуллари ҳамда аниқ амалий масалалар учун ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

1.3. Масаланинг қўйилиши ва ишнинг мақсади

Бошқариш объекти «кириш-чиқиш» ўзгарувчиларида чизикли айирма тенгламаси билан тавсифлансин:

$$A(\nabla) y_t = B(\nabla) u_t + \xi_t, \quad (1.1)$$

бу ерда y_t – бошқариш объекти чиқишларининг l -вектори; u_t – бошқарув таъсирларининг m -вектори; $A(\lambda)$, $B(\lambda)$ – мос равишда $l \times l$ ва $l \times m$ ўлчамли полиномиал матрицалар $A(\lambda) = I_n + \lambda A_1 + \dots + \lambda^r A_r$, $B(\lambda) = \lambda B_1 + \dots + \lambda^r B_r$, I_n – $l \times l$ ўлчамли бирлик матрица; ∇ – бирлик кечикиш оператори; ξ_t – $L(\nabla)\xi_t = E(\nabla)\omega_t$ филтър билан шакллантирилувчи стационар вектор шовқин, бу ерда $L(\nabla) = I_n + \lambda L_1 + \dots + \lambda^p L_p$, $E(\lambda) = I_n + \dots + \lambda^p L_p$, ω_t – $M[\omega_t] = 0$, $M[\omega_t \omega_s^T] = R_\omega \delta_{ts}$ шартни қаноатлантирувчи мустақил ўзгарувчили вектор тасодифий катталиклар; R_ω – ω_t тасодифий катталиклар ковариациясининг t га боғлиқ бўлмаган мусбат матрицаси. $A(\lambda)$, $E(\lambda)$ матрицали полиномлар турғун, яъни $\det A(\lambda)$, $\det E(\lambda)$ полиномлар комплекс текислигидаги берк бирлик доирада илдизга эга эмас деб фараз қилинади.

Бошқарув u_t куйидаги кўринишдаги чизиқли тескари алоқалар ёрдамида шакллантирилади:

$$C(\nabla)u_t = D(\nabla)y_t, \quad (1.2)$$

бу ерда $C(\lambda) = I_m + \lambda C_1 + \dots + \lambda^q C_q$, $D(\lambda) = D_0 + \lambda D_1 + \dots + \lambda^q D_q$, C_i - $m \times m$ ўлчамли матрицалар, D_i - $m \times l$ ўлчамли матрицалар.

Сифат функционали куйидаги кўринишга эга:

$$J = \overline{\lim}_{t \rightarrow \infty} M\{Q(y_t, u_t)\}. \quad (1.3)$$

Бу ерда Q - y , u ўзгарувчиларнинг мусбат квадратик шакли, яъни $|y| + |u| \neq 0$ бўлганда $Q(y, u) > 0$ ва

$$Q(y, u) = y^T Q_{11} y + 2y^T Q_{12} u + u^T Q_{22} u, \quad (1.4)$$

Q_{11} , Q_{12} , Q_{22} - мос ўлчамлардаги ҳақиқий матрицалар.

Стабилловчи ростлагичлар синфидаги (1.3)-(1.4) сифат функционаллари минималлаштирувчи ростлагич (1.2) ни синтезлаш талаб этилади. Ростлагич (1.2) нинг айирмавий тартиби одатда олдиндан берилмайди, яъни (1.3) функционални минималлаштириш барча чизиқли стабилловчи тескари алоқалар синфида амалга оширилади.

Адаптив бошқарувнинг сифат функционали минималлаштириш масалалари куйидаги кўринишдаги ростлагични идентификациялаш ва созлашнинг чизиқли алгебраик матрица тенгламаларини ечиш масалаларига олиб келинади:

$$y(t) = \varphi^T(t) \theta + \xi(t), \quad (1.5)$$

$$Az = f, \quad A: Z \rightarrow F, \quad (1.6)$$

бу ерда $\varphi(t) = [y^T(t-1), \dots, y^T(t-p), u^T(t-1), \dots, u^T(t-q)]^T$; $\theta = [A_1, A_2, \dots, A_p, B_1, \dots, B_q]^T$;

$\xi(t)$ - R ковариация матрицали $l \times 1$ ўлчамли ғалаён таъсири; $A = A(\tau)$ ва

$f = f(\tau)$ лар $g(\lambda) = a(\lambda)\alpha(\lambda) - b(\lambda)\beta(\lambda)$ оптимал системанинг характеристик

полиноми ва $\alpha(\nabla, \tau)u_t = \beta(\nabla, \tau)y_t$, $z = \text{col}(\alpha_1, \dots, \alpha_p, \beta_1, \dots, \beta_p)$ ростлагичнинг $\alpha(\lambda, \tau)$, $\beta(\lambda, \tau)$ полиномлари асосида аниқланади.

Ҳисоблаш нуқтаи назаридан қараганда, (1.5) ва (1.6) тенгламалар нокоррект қўйилган масалалар, яъни бошланғич маълумотлардаги кичик хатоликлар ечимни катта хатоликларга олиб келувчи масалалар синфига киради. Бу, кўпгина ҳолларда (1.5) ва (1.6) тенгламалар ечимларини турғунлик шартларини бузилганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам табиий равишда баҳолаш усуллари позицияси билан адаптив бошқариш системаларини синтезлаш масалаларининг афзалликларини таҳлил қилишга интилиш пайдо бўлади.

Шу соҳада олиб борилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу ердаги ютуқларнинг кўпи, аввало, эталон модель принципи ва энг кичик квадратлар усули асосида параметрик идентификациялаш ва адаптив бошқариш масалаларини ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Ўлчаш хатоликларининг корреляцион структураси ҳақидаги чекланган априор ахборотлар шароитларидаги моделларни мунтазам параметрик идентификациялаш масалалари жуда кам даражада тадқиқ қилинган. Шунингдек, бошқариш таъсирларини идентификациялаш ва синтезлашнинг аниқ рекуррент алгоритмларини амалга оширишда мунтазамлаштириш параметрлари ва бошланғич маълумотларнинг хатоликлари сатҳини баҳолаш, мунтазамлаштириш усуллари синфини танлаш бўйича нашр этилган ишларнинг камлигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Адаптив бошқариш системаларини куриш назариясининг ҳолати ва ривожланиш тенденциясини юқорида келтирилган қисқача таҳлили адаптив системаларни синтезлаш усуллари соҳасида эришилган аҳамиятли натижаларга қарамасдан, бугунги кунда ишлаш жараёнидаги турли халақит сигналли шароитларни ҳисобга олган ҳолда динамик объектларни идентификациялаш ва бошқаришнинг

мунтазамлаштирилган алгоритмларини қуриш алгоритмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар адаптив бошқариш алгоритмларини яратиш ҳамда уларни динамик объектлар ва системаларнинг турли синфлари учун амалиётга татбиқ этишнинг ҳисоблаш схемаларини синтезлашнинг зарурлигини кўрсатади. Юқорида баён этилган хулосалар динамик объектларни бошқариш системаларида ростлагичларни параметрик синтезлаш алгоритмларини яратиш ва тадқиқ этишга бағишланган ушбу битирув малакавий ишининг мақсадини қўйилишини белгилаб берди.

II-БОБ. ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИДА РОСТЛАГИЧЛАРНИ ПАРАМЕТРИК СИНТЕЗЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

2.1. Динамик объектларнинг структуралари ва моделлар тўпламларини тавсифлаш

Математик тавсифнинг мумкин бўлган турларини унификациялаш ва таҳлил қилиш мақсадида динамик бошқариш объектларини структуралари ва тўпламларини тавсифлаш амалга оширилди. Идентификациялаш назарияси ва амалиётидаги «кириш-чиқиш» терминларида кўриниши қуйидагича бўлган динамик системалар кўпроқ тарқалганлиги келтирилган:

$$y(t) = \sum_{j=1}^p A_j y(t-j) + \sum_{j=1}^q B_j u(t-j) + \xi(t), \quad t=1,2, \dots, N, \quad (2.1)$$

ёки

$$y(t) = A_1 y(t-1) + \dots + A_p y(t-p) + B_1 u(t-1) + \dots + B_q u(t-q) + \xi(t), \quad (2.2)$$

бу ерда $u(t)$ - $m \times 1$ ўлчамли кириш сигнали, $y(t)$ - $l \times 1$ ўлчамли чиқиш сигнали, $\xi(t)$ - R ковариация матрицали $l \times 1$ ўлчамли ғалаён таъсир, $A_i - (l \times l)$ -матрица, $B_i - (l \times m)$ -матрица; $B - l \times m$ матрица.

Системани кетма-кетлигини характерловчи p, q , параметрлари, кўплаб бирламчи параметрларни ҳосил қилади. Охирги параметрлар эса фақатгина манфий бутун сонларни қабул қилади. Асосий аҳамият касб этувчи матрицанинг A_j, B_j, R , элементлари эса иккиламчи параметрларни ҳосил қилади [19,22] яъни кузатишларни йиғиндисини аниқлаш учун $\Xi(N)=(Y(N),U(N))$, бу ерда $Y(N)=\{y(N), \dots, y(1-p)\}$, $U(N)=\{u(N-1), \dots, u(1-q)\}$.

Бирлик кечикиш оператори ∇ га ўзаро нисбат аниқловчиси $\nabla y(t) = y(t-1)$ ни қўллаган ҳолда (2.1) формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$A(\nabla) y(t) = B(\nabla) u(t-1) + \xi(t), \quad (2.3)$$

бу ерда

$$A(\nabla) = I - \sum_{j=1}^p A_j \nabla^j, \quad B(\nabla) = \sum_{j=1}^q B_j \nabla^j.$$

$A(\nabla), B(\nabla)$ - p ва q га мос равишда матрицани полином даражаси; I - бирлик матрица. (2.1) ва (2.3) формулада ҳосил бўлувчи ғалаён $\xi(t)$ га келсак унда оддий ҳолат уни тасодифий катталикларини мустақил равишда кетма-кетлигини тахмин қилиш мумкин бўлади. Аммо бундай тахмин бир қаторда чекланган бўлиши мумкин [4, 22]. Шунинг учун $\xi(t)$ жараёни ноллик, оралик ва якуний корреляц жараёнда ишлатилади

$$M[\xi(t)] = 0, \quad M[\xi(t)\xi^T(t-j)] = 0, \quad \forall j \geq (\nu+1),$$

бу ерда M - математик кутилиш ишораси; « T »- транспонирлаш белгиси. $\xi(t)$ ни охирги вақт корреляцион жараёнини қуйидаги кўринишда ёзиш мақсадга мувофиқ [44]:

$$\xi(t) = w(t) + \sum_{j=1}^{\nu} C_j w(t-j) = C(\nabla)w(t), \quad (2.4)$$

бу ерда

$$C(\nabla) = I + \sum_{j=1}^{\nu} C_j \nabla^j,$$

$$M[w(t) = 0] ; M[w(t)w^T(j)] = R\delta_{ij}, \quad (2.5)$$

$w(\cdot)$ - $w(t)$ ва ўртача нол бўлган ихтиёрий тасодифий катталиқни кетма-кет содир бўлиши яъни Кронекер ишораси $t \neq j$; δ_{ij} га $w(j)$ ни боғлиқ бўлмаган ҳолати. $\xi(t)$ кетма кетлигини шунингдек авторегрессион жараён деб ҳам қараш мумкин; бу ҳолда $\xi(t)$ ни $w(t)$ ва ўткинчи жараёни чизиқли функцияси ҳам бор. $\xi(t)$ авторегрессионлиги учун кўрсатилган (2.3)-системани қайишқоқлиги, $\xi(t)$ ни (2.1) ва (2.3)-системасининг ўртача силлиқлантириш қайишқоқлигига нисбатан катта эмас [22].

Шу тариқа (2.3) ни (2.4) билан ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишни олади:

$$A(\nabla)y(t) = B(\nabla)u(t-1) + C(\nabla)w(t) \quad (2.6)$$

$\{w(\cdot)\}$ жараёни билан (2.5) формулани қониқтиради, агарда $C(\nabla) = I(v=0)$ ни қўлласак. У ҳолда (2.6) формула қуйидаги кўринишга келади:

$$A(\nabla)y(t) = B(\nabla)u(t-1) + w(t). \quad (2.7)$$

(2.6)-теглама $\{A(\nabla), B(\nabla), C(\nabla), R\}$ билан ҳарактерланади, бу ерда $A(\nabla), B(\nabla)$ ва $C(\nabla)$ - тегишли тартибли кўп ҳад матрица, $R - w(t)$ ковариацион матрицани мусбат ғалаёни. Системани турғунлигини таъминлаш учун $A(\nabla)$ ва $C(\nabla)$ аниқловчиларининг ноллари ягона айлана ташқарисида ётади. $C(0)=I$ ва энг кўп полиноминал матрица кўпайтувчилари A, C ва B лар доимий кўпайтувчилар ҳисобланади. Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш асимптотик ковариацион жараёни (2.6) тенгламага ва уни такрорий бўлишини кафолатлайди [19,22], бу эса ўз навбатида стохастик жараёнларни параметрларини самарали тузиш имконини беради. Ўрта сирпаниш типидagi ҳадни ўз ичида сақламайди, системада автоматик такрорланишни таъминлайди. Такрорланиш ўрта сирпаниш ва ковариацион шовқин матрицасини тўлиқ тавсифлайди. Агар система такрорланмас бўлса, унда уни ўрта сирғаниш компонентини шундайси билан алмаштириш керакки ушбу амалга оширилган алмаштириш уни асл ҳолига қайтара олиши керак.

Матрица элементлари $A_1, \dots, A_p; B_1, \dots, B_q$ аниқлаш учун (2.1)-тенгламани параметрларини бажариши керак. Параметрлашнинг яна бир усулидан бири (2.1)-тенгламанинг вектори θ умумий сони $(pl+qm)l$ барча матрица элементларини жалб қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Бу ҳолда $((pl+qm) \times l)$ матрицасини аниқлаш мумкин:

$$\theta = [A_1, A_2, \dots, A_p, B_1, \dots, B_q]^T \quad (2.8)$$

ва $(pl+qm)l$ - бир хил вектор устуни

$$\varphi(t) = \begin{bmatrix} y(t-1) \\ \vdots \\ y(t-p) \\ u(t-1) \\ \vdots \\ u(t-q) \end{bmatrix},$$

ва (2.1)-тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y(t) = \theta^T \varphi(t) + \xi(t). \quad (2.9)$$

Параметрлашни бошқа тур кўриниши шундан иборатки уни d - бир хил вектор устунлари θ ва $(l \times d)$ матрицалари $\varphi^T(t)$ ни тузишдан иборатки (2.1)-тенглама қуйидагича ҳосил бўлади:

$$y(t) = \varphi^T(t) \theta + \xi(t). \quad (2.10)$$

(2.9) ва (2.10) тенгламалар бир бири билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш мумкин [57].

$$\theta = \text{col } \theta,$$

$$\varphi(t) = \varphi(t) \otimes I_l,$$

бу ерда I_l – ягона $(l \times l)$ матрица, $\otimes$ -кронеккерни ҳосил қилиш белгиси.

(2.1) тенгламани параметрлашни яна бошқа варианты қуйидаги кўринишга эга [44];

$$y_i(t) = \bar{z}_i^T(t-1)\theta_i + \xi_i(t), \quad i=1,2,\dots,l,$$

ёки

$$y(t) = \bar{Z}(t-1) \theta + \xi(t), \quad (2.11)$$

бу ерда $\bar{z}_i - n_i$ ни ўлчамини билдиради ва у вектор компонентларидан тузилган.

$$\bar{z}_i(t-1) = [y_i(t-1), \dots, y_i(t-p), u^T(t-1), \dots, u^T(t-q)]^T,$$

$$\bar{Z}(t-1) = \begin{bmatrix} \bar{z}_1^T(t-1) & 0 & \dots & 0 \\ 0 & \bar{z}_2^T(t-1) & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & \bar{z}_l^T(t-1) \end{bmatrix}.$$

$$\theta = [\theta_1 \dots \theta_l], \quad n_0 = \sum_{i=1}^l n_i, \quad n_0 = l(lp + mq) \quad \text{бўлган вектор параметрлари}$$

матрицанинг барча $A_j, j=1, 2, \dots, p; \quad B_j, j=1, 2, \dots, q$ элементларидан тузилади.

Амалиёт ва тажрибада динамик системаларни идентификация қилишда шунингдек қуйидаги модел структураси ишлатилади:

$$y(t) = Bu(t) + \xi(t), \quad t = 1, 2, \dots, \quad (2.12)$$

юқоридаги формулани қуйидагича ўзгартириш мумкин:

$$y = X\beta + \xi, \quad (2.13)$$

бу ерда X – $ln \times lm$ – $[X(1) \mid X(2) \mid \dots \mid X(n)]^T$, $X(t) = I_l \otimes u(n)^T$ матрицалар; β – ml ўлчам вектори; устин ости l дан тузилган B нинг $\beta^{(i)}$ ($i = 1, 2, \dots, l$) матрицаси.

Шуни эътиборда тутиш керакки, (2.9) ва (2.12)- модели сруктуралар фақатгина A_j , B_j матрицаларга боғлиқ равишда чизиклидир, аммо чизиклилиқ у векторига боғлиқ бўлиши шарт эмас. Шунинг учун ҳам гаус вектори $\xi(t)$ да ҳам у вектори гауссиз бўлиши мумкин. Бу жуда муҳим, чунки кўпгина ҳолларда бошқариш объектларида стохастик жараёнлар гауссиз ҳолатда бўлиши мумкин [1,44].

(2.9) ва (2.12) га ўхшаш турли хил параметрларни тузишдан ташқари физик параметрли модел структураларини ҳам қўллаш мумкин [22]. Бунини маъноси шундан иборатки, бунда қўлланилувчи физик параметрлари айнан системада изланаётган параметрларни қўллаш орқали топишга асосланган.

Тажриба ва амалиётда системанинг стохастик параметрларни баҳолашда (2.9)-(2.12) моделга асосан шунингдек каноник ёки тенглик баҳолаш усули ҳам ишлатилади [19,22,44]. Кўпгина каноник кўринишдаги тенгламалар баҳолаш вазифасига кўра қуйидаги белгилар билан узвий боғлиқ: I) $A(D)$ диагоналига, $B(D) = I$, R диагоналига; II) $A(D)$ диагонал эмас, $B(D) = I$, R диагоналига; III) $A(D)$ диагонал эмас, $B(D) = I$, R диагонал эмас; IV) $A(D)$ диагонал эмас, $B(D)$ диагоналига, R диагоналига; V) $A(D)$ диагонал эмас, $B(D)$ диагоналига, R диагонал эмас; VI) $A(D)$ диагонал эмас, $B(D)$ диагонал эмас, R диагонал эмас.

Бу ҳолатда (I) ва (III) – авторегрессион модел (АР), (IV) ва (VI)-(АРСС) – ўрта сирғанувчи авторегрессион модел. (I) бир бирига боғлиқ бўлмаган

авторегрессион ростлаш системасига муофиқ ҳолатда. (III) оддий кўп ўлчамли авторегрессион модел, (VI) умумий авторегрессион моделини ўрта сирғаниши.

Юқорида кўриб ўтилган каноник усуллар баҳолаш аниқлиги билан боғлиқ бўлган ва жараёни баҳолашда «ортиқчаликни камайтириш» усуллари одатда системани катта ўлчамдаги ноаниқ параметрларини баҳолашда ишлатилади [22,44]. Келтириб ўтилган каноник усул етарлича юқори даражада бўлиб, баҳоланиши қийин бўлган ва параметрик кўпайиб кетиш билан боғлиқ бўлган усул билан узвий боғлиқ. Маълумки кўп ўлчамли бошқариш системасининг моделини қуришда етарлича маълумот келтирилмаган бўлса одатда синалган ва хатоликларни аниқлаш усули ишлатилади, бундан кўзланган асосий мақсад ўзгарувчи жараёни асосий катталиқка таъсир даражасини аниқлаш. Бунга мос келувчи усул (II)-каноник усулдир, чунки у ҳар бир тенгликни бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш имконини беради. Агар параметрни юқори даражали аниқлигини олиш зарур бўлса у ҳолда (I)-услдан фойдаланиш мумкин. (III) усул эса асосан $y_i(t)$ тенглама таркибида $y_j(t)$, $j \neq i$ ҳад иштирок этувчи модел қуриш учун ишлатилади. Бу каби моделларни одатда қўш тенгламалар модели дейилади. (III) усулни муҳим томонлари қуйидагича: икки y_1 ва y_2 ўзгарувчиларнинг иштирок етишидир, айтайлик ўзгарувчан $y_2(t)$ тенгламанинг биринчи қисми $y_1(t)$ да ҳосил бўлади, гарчан $y_2(t)$ тенграмаси учун $y_1(t)$ тенграмаси мавжуд бўлмаса ҳам, қийматларни ўзгартириш орқали такрорланишли бошқа кўпгина каноник тенгламаларни ҳосил қилиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилган стохастик объектнинг кўплик модели ва структуравий моделлари объектни бошқара олади, шу тариқа уни ҳар хил усуллар ва турлича математик даражаларда ёзиш мумкин. Бу каби мураккабликлардан фойдаланиш ушбу моделни самарали ишлашини таъминлаб беради [4,21,23]. Шунингдек келтириб ўтилган «кириш-чиқиш» ва каноник модел параметрлари яна кўплаб моделларни тузиш имконини беради

у орқали еса турлича динамик системаларни, уни нормал функция маълумотларига асосланиб аппроксимация қилиш мумкин бўлади.

Модел ўзининг талабларига жавоб бериши учун бир қанча шартлар қўйилиши бу шартлар уни бажарилишини таънилаши керак. Бу каби талабларни йўқлиги ёки уни етарлича бўлмаслиги моделни таркибини тўлиқ очиб бера олмай уни потенциал имкониятларини тўлиқ ёритиб бера олмай қолади. Функционал моделни тузиш учун модел ташқи мухит билан уйғунлашган ҳолда мослашган бўлиши керак, бу мухитга уни таркибий қисмлари киради [1,41]. Бу моделни аниқ бир жиҳатлари учун ҳам кўриб чиқиш мумкин, зарурат туғилса аниқ хусусий ҳолат учун, мухитга аниқ йўналтириб кўриб чиқиш имкини бор.

Кўрилаётган қарама-қарши жаҳатлар шароитида жудаям муҳим динамик бошқариш системаларида қўйилган вазифасини назорат қилишни аниқроқ олиб бориш вазифасини ўз зиммасига олади [1,45]. Бу каби моделни асосий жиҳати операцион моделни ишлашини кузатишга, жараённи ўзини реал шароитда моделлаштиришга имкон беради. Бу каби ўхшашликларни келтиришнинг асосий сабаби шундан иборатки аниқланмаган бошланғич вазият реал объект билан боғлиқ, у қўйилган кўплаб элементларни аниқлаш учун бажарилади. Бу сингари элементлар сифатида бошқарувнинг динамик системаси ишлатилиши мумкин, яъни ундаги бораётган жараён, назорат ва мезонлар. Бундай ҳолатларда берилган синфлардаги моделнинг адекватлигини текшириш мумкин, шу жумладан моделнинг таъсирчанлиги ва турғунлиги, уни белгиланган аниқлик даражасидан оғишини.

2.2. Бошқариш системаларини синтезлашнинг типик алгоритмлари

2.2.1. Ростлагич синтези

Объектни функционаллаштириш жараёнида ростлагични параметрик тузатиш принципларини амалга оширувчи, бевосита адаптив бошқарувни базали тизимини куриш усуллари кўриб чиқамиз. Бундай тизимлар кўпинча қидиришларсиз ишлайдиган ўз – ўзини тузатувчи тизимлар (ҚИЎЎТТ) ёки эталон модели адаптив тизимлар деб номланади.

Бирламчи учлик элементларини синтез қилиши даражасидаги бошқарув масалаларини ечиш схемасини кўриб чиқамиз. Бунинг учун ечилаётган масалани аниқ шаклини берамиз.

Бошқарилувчи объект (P_1 – бирламчи модел) ўзининг тенгламаси билан берилган бўлсин

$$x^{(n)} + a_{n-1}x^{(n-1)} + \dots + a_0x = b_m u^{(m)} + \dots + b_0u,$$

бу ерда u – унинг кириши; x – чиқиш. Кўпинча объект тенгламасини оператор қайд қилиши қуйидаги кўринишга эга:

$$a_n(p)x = b_m(p)u, \quad (2.40)$$

бу ерда $a_n(p) = p^n + a_{n-1}p^{n-1} + \dots + a_0$, $b_m(p) = b_m p^m + \dots + b_0$, $p^i = d^i / dt^i$ - оператор i -қолдиқсиз дифференциаллаш. Бошқарув мақсади (J_1 – бирламчи мақсад) чегаравий нисбат орқали берилади

$$\overline{\lim}_{t \rightarrow \infty} (x(t) - x_*(t)) = 0, \quad (2.41)$$

бу ерда $x_*(t)$ – ҳаракатнинг эталон траекторияси. Бошқарув масаласи P_1 объектда J_1 мақсадга эришувчи, унинг шаклланиш қонуни ёки бошқарув сигнали $u(t)$ ни аниқлашдан ташкил топган. Қўйилган масалани ўзига хос хусусияти (2.40) объектни $a_i, i = \overline{0, n-1}$, $b_j, j = \overline{0, m}$, параметр тенгламаси аниқланмаган, балки ўзларининг $P\Delta$ имконият қийматлари $(n+m+1)$ ўлчам

доирасида берилишидан иборат. Бундан ташқари, x_0 эталон ҳаракатининг траекторияси эталон моделини тенгламасига мос келади

$$a_n^3(p)x_0 = b_0^3g \quad (2.42)$$

бу ерда $a_n^3(p) = p^n + a_{n-1}^3p^{n-1} + \dots + a_0^3$, g - вазифа берувчи таъсир ёки ҳаракатни кузатувчи таъсир. Эталон модел тенгламаси тизимдаги ўтиш жараёнини зарурий динамикасини характерлайди, шунинг учун (2.42) тенгламага аниқ талаб $a_n^3(p)$ оператор турғунлиги ҳисобланади. ($t \geq 0$ бўлганда, ҳар қандай оператор $c_k(t, p) = p^k + c_{k-1}(t)p^{k-1} + \dots + c_0(t)$ тенгламанинг $c_k(t, p)\tau = 0$ турғун дейилади, агар $t \rightarrow \infty$ бўлганда, ҳар қандай чегаравий $\tau^{(i)}(0), i = \overline{0, k-1}$ ифода учун $\tau^{(i)}(t) \rightarrow 0$ бажарилган.)

Операторларни n ва m динамик тартиби $a_n(p)$ ва $b_m(p)$ объект тенгламаси берилган деб ҳисобланади. Шунинг учун синтез қилинаётган тизимни ўз – ўзини тузатувчи синфга киритиш мумкин.

Бошқарув таъсирни шакллантириш қонунини аниқлаш учун ва ростлагич структурасига мувофиқ (2.42) ни ҳисобга олган ҳолда (2.40) объект тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$a_n^3(p)x - b_0^3g = b_m(p)u - \Delta_{n-1}(p)x - b_0^3g, \quad (2.43)$$

бу ерда $\Delta_{n-1}(p) = a_n(p) - a_n^3(p) = (a_{n-1} - a_{n-1}^3)p^{n-1} + \dots + (a_0 - a_0^3)$, ва кейин ундан эталон модели (2.42) ифодасини ҳисоблаб оламиз. Натижада фқуйидагини ёзиш мумкин:

$$a_n^3(p)\sigma_n = b_m(p)u - \Delta_{n-1}(p)x - b_0^3g, \quad (2.44)$$

бу ерда $\sigma_n = x - x_0$. Бошқарувчи таъсирни шакллантириш қонуни қуйидагича бўлсин

$$b_m(p)u = \Delta_{n-1}(p)x + b_0^3g. \quad (2.45)$$

Унда (2.44) га мувофиқ $a_n^3(p)\sigma_n = 0$ га эга бўламиз ва оператор турғунлик кучи $a_n^3(p)$ га $t \rightarrow \infty$ бўлганда, $\sigma_n \rightarrow 0$ нисбат мувофиқ келади, бу эса (2.41) бошқарув мақсадига мос келади. Шундай қилиб, (2.45) тенгламани биз эталон ростлагични тенгламаси деб номлашимиз мумкин, (2.45)


талабларига жавоб берувчи u сигнални ўзини эса u_3 деб белгилашимиз мумкин. Аммо эталон ростлагични ишлатиш мумкин эмас, чунки $b_m(p)$ ва $\Delta_{n-1}(p)$ операторлари номаълум. Лекин бошқа томондан (2.45) нисбат бошқарув қонунини қидиришга олиб келувчи, тенгламалар структураси синфини кўрсатиб беради. Шунинг учун реал ростлагични қуйидаги тенглама билан ифодаласа бўлади

$$r_m^1(p)u = r_{n-1}^2(p)x + b_0^3g \quad (2.46)$$


(2.40)–(2.46) берк тизимни ишлаш жараёнида тузатишларга тўғри келувчи, операторлари $r_m^1(p) = r_m^1 p^m + \dots + r_0^1$, $r_{n-1}^2(p) = r_{n-1}^2 p^{n-1} + \dots + r_0^2$. Агар $t \rightarrow \infty$ бўлганда, унда (2.45) даги $u \rightarrow u_3$, ҳамда $x \rightarrow x_3$ га мувофиқ равишда $r_m^1(p) \rightarrow b_m(p)$, $r_{n-1}^2(p) \rightarrow \Delta_{n-1}(p)$ бажарилади. Дастлабки бошқарув мақсадига эришилганда, ростлагич параметралари r_j^1 ва r_i^2 , $j = \overline{0, m}$, $i = \overline{0, n-1}$ ни тузатиш алгоритмини аниқлаш масаласи, иккиламчи учликнинг элементлари даражасидаги синтез қилишнинг асосий масаласи ҳисобланади. (2.46) ростлагичли ўз – ўзини тузатиш тизимини иш қобиляти учун, $r_m^1(p) = b_m(p)$ чегарада $u(t)$ сигнал чекланган ҳолатда қолиши зарур, бу эса $b_m(p)^1$ номаълум операторнинг турғунлигини талаб қилади. Бу талаб PA чегаравий муҳити учун қўшимча шартларни аниқлайди.

(2.46) ростлагичли ва (2.40) ҳажмли берк тизимнинг структураси 2.1 расмда тасвирланган. Баъзида олинган тизимнинг структураси асосий контур деб номланади, ростлагични синтез қилиш масаласини эса ўз – ўзини тузатиш тизимининг асосий контурини синтез қилиш масаласи деб номланади.

2.2 расмда берк тизимнинг структураси тасвирланган.



2.1 расм. Асосий контур (а) ва адаптив тизимнинг (б) структур схемаси



